

**БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН КРЕДИТ
РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ**

Ашууров Асрор Раҳматуллаевич

"Агробанк" АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи

***Аннотация.** Банкнинг кредит фаолияти, уни бошқа банк бўлмаган ташкилотлардан фарқловчи асосий мезонлардан биридир. Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд кредит рискларни минималлаштириш, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва бошқариш республикамиз банклари диққат марказида туради. Бу эса банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг салмоғи ортиб боришига имкон яратади.*

***Калит сўзлар:** риск, кредит rischi, кредит сиёсати, диверсификация, рискни прогноз қилиш, рискни суғурталаш, кредит riskини бошқариш, кредит мониторинги, захира.*

***Кириш.** Ўзбекистонда иқтисодий иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу борада молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш, молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш, рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ келадиган илғор банк бизнесини юритишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «...кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш...» муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган (1).*

Кредит rischi - қарз олувчи кредит шартномасига риоя қилмаганлиги натижасида банк кўриши мумкин бўлган зарардир деган таъриф баъзи

адабиётларда учраб туради. Лекин банк кредит беришда келажакда юқори даражада даромад олишни режалаштирган ҳолда риск қилади. Риск қилмаслик натижасида кредит операцияларини амалга оширмаса, келажакда банк фойда кўра олмайди.

Кредит рискларининг банклар учун долзарб муаммолиги шундаки, кредит rischi мавжуд бўлган ҳолда кредитор, яъни банкда қарз олувчи томонидан кредит шартномасининг шартларини, унинг ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олиш имкониятига ишончсизлик ҳосил бўлади. Маълумки, банк амалиётида фойданинг асосий қисми асосан берилган кредитлар бўйича олинган фойзалардан ташкил топади. Қарз олувчи томонидан олинган кредитлар бўйича фойза ставкасининг ёки кредитнинг асосий суммасининг ўз вақтида тўланмаслиги ёки умуман тўланмаслиги оқибатида банк фойдасининг камайиши банкнинг келажакдаги маблағлари салмоғининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун кредиторлар улар берган маблағларнинг қайтиши билан боғлиқ рискларни камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Адабиётлар шарҳи.

Банкларда кредит рисклари, уларнинг таснифланиши, рискларни бошқариш бўйича жуда кўплаб олимлар илмий иш олиб борганлар.

Г.Н.Белоглазова кредит рискига қуйидагича таъриф беради: "Кредит rischi деганда белгиланган муддатларда контрагентлардан бири шартномада кўрсатилган мажбуриятни бажармаслиги оқибатида зарар кўриш- эҳтимолидир" (2).

Л.П.Кроливецкой кредит rischi қарздор томонидан кредит шартномасида кўрсатилган мажбуриятни тўлик ёки қисман бажармаслиги оқибатида пайдо бўлади, деган фикрни илгари суради (3).

Америкалик олимлар И.В.Бета ва Ж.К.Коллиннинг фикрича, кредит rischi бу ссудани коплаш давридаги қутилмаган ходисаларнинг рўй бериши, Р.Л.Миллер ва Дэвид Ван-Хузлар кредит rischi деганда,

қарздорнинг кредиторга ссудани тўлиқ қайтариб бериш жараёнида қарздорда айрим муаммоларнинг пайдо бўлиши билан боғлашади (4).

Ш.Абдуллаева кредит рискига қуйидагича таъриф беради: “Кредит rischi деганда қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, яъни кредит суммасининг қисман ёки тўлиқ ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади” (5).

Юқоридагиларни умумлаштириб, биз кредит рискига “кредит олган томоннинг кредит берган банк ёки нобанк кредит ташкилоти олдидаги ўз жавобгарлигини бажара олмаслиги рискидир” деган таърифни беришимиз мумкин. Фикримизни тўлиқроқ баён этадиган бўлсак, кредит rischi банк берган кредитлари ва қилган инвестицияларининг уларга тўланиши керак бўлган фоизлари билан бирга қайтмаслиги бўлиб, кўп миқдордаги кредитларнинг қайтмаслиги ўз навбатида банкни банкротликка олиб келиши мумкин.

Таҳлил ва натижалар. Банклар ва банкирлар бошқа кредиторларга нисбатан рискдан кўп ҳимояланувчи ёки қочувчи бўлишлари керак. Бунинг сабаби шундаки, банк бошқа кредиторларга нисбатан ўз маблағи билан эмас, балки жалб қилинган маблағлар, яъни жисмоний, ҳуқуқий шахсларнинг вақтинча банкда турган маблағлари билан ишлайдилар. Банкнинг кредит бериш имкони у жалб қилган ресурсларга боғлиқ бўлади. Банк ўз навбатида бу жалб қилинган маблағларни талаб қилинган вақтда миқдорга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу имконият эса банк фаолиятида мавжуд рискларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кредит рискининг юзага келишига қуйидаги ҳоллар сабаб бўлиши мумкин:

а) турли хил макро ва микро иқтисодий омиллар, иқтисодий қонунчилик ва меъёрлардаги ўзгаришлар;

б) Қарз олувчи фаолиятида бўладиган иқтисодий ва сиёсий мухитдаги ўзгаришлар, салбий ҳоллар туфайли олинган кредитни тўлашга мос пул оқимини ташкил қила олмаслик;

в) кредитнинг таъминланганлиги учун олинган гаровнинг қиймати ва сифати бўйича тўлиқ ишончнинг йўқлиги;

г) юқори билимга эга бўлган банк ходимлари ва мижозларнинг етишмаслиги;

д) Қарз олувчи субъектнинг маҳаллий ёки давлат микёсида обрўсининг тушиб кетиши, унинг ишчанлик фаолиятида юзага келган ўзгаришлар ва бошқалар.

Банк рискларида бўлгани каби кредит рискларини бошқаришда ҳам бешта босқич ажратиб кўрсатилади. Булар:

- прогноз;
- таҳлил қилиш;
- тартибга солиш;
- кузатиб бориш;
- назорат қилиш.

Демак, банк кредит рискларини бошқариш учун энг аввало прогноз қилаб бориши ва шу прогнознинг қанчалик даражада бажарилишини кузатиб бориши лозим. Шу билан бирга банк кредитларни турлари, муддатлари, соҳалари, тармоқлари ва бошқа хусусиятларига кўра маълум давр учун ёки маълум бир санага таҳлил қилиб борадилар, кредитларнинг ҳолатини, сифат даражасини аниқлаб борадилар, зарур бўлса резерв яратадилар, қайта кўриб чиқадиладар ёки ҳисобдан чиқарадалар. Банк кредит портфелининг сифатини назорат қиладилар, кредитларнинг қайтиш ёки қайтмаслигини назорат қиладилар, унинг сабабларини ўрганадилар.

Тижорат банклари битта мижозга ёки бирор бир соҳада кредит суммасининг кўп микдори тўпланиб қолиш олдини олиш мақсадида ссуда портфелининг диверсификация қилишига алоҳида эътибор берадилар.

Бунинг натижасида кредит рисқи минималлаштирилади ва уни бошқаришга қулай шароит яратади.

Кредит рисқи ёки қарзнинг қайтармаслик хавфи кредиторнинг кредит келишувига асосан кредитни ўз вақтида қайтарилишига ва кредит шартларини бажара олишига ишончсизлигидан келиб чиқади.

Бу ҳолат қуйидагилар таъсирида вужудга келиши мумкин:

а) тадбиркорликда, иқтисодий ёки сиёсий муҳитда кутилмаган ўзгаришлар юз бериши натижасида қарздорнинг пул тушумини керакли даражада таъминлай олмаслиги;


б) кредитга қўйилган гаровнинг келажақдаги қиймати ва сифатига бўлган ишончсизлик (нарх ўзгариши, қўйилган мулкнинг харидорлиги)

с) қарз олувчининг тадбиркорлик дунёсида обрўсиз бўлиб қолиши.

Ҳозирги кунда ҳар бир тижорат банки ўзининг кредит сиёсатига эга. Илгари барча тижорат банклари Марказий банк томонидан тасдиқланган қисқа ва узоқ муддатли кредитлаш операцияларини ташкил қилиш бўйича тартиб ва низомлар асосида ўзларининг кредит фаолиятларини юритган бўлсалар, банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириб бориш натижасида банкларга эркинликлар берилди. Бу эркинликларни уларнинг ўз кредит сиёсати, фоиз сиёсати, депозит сиёсатига эга эканликларида кўриш мумкин.

Ҳар бир тижорат банки 1 йил учун кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва шу сиёсат асосида кредитлаш операцияларини амалга оширади. Ушбу кредит сиёсатида кредитлаш борасидаги мақсад ва вазифалари белгилаб олинади.

Банклар бошқа кредиторларга нисбатан рискдан кўп химояланувчи ёки қочувчи бўлиши керак. Банкнинг кредит бериш қобилияти жалб килинган ресурсларга боғлиқ бўлади. Банк ўз навбатида бу жалб килинган вақтда мижозга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу имконият эса банк фаолиятида мавжуд рискларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишига боғлиқ бўлади.




1-расм. Банкларнинг кредит портфелида имтиёзли кредитлар улуши (10)

Хусусан, 2023 йил давомида имтиёзли кредитлар¹ қолдиғи 5 фоизга ўсиб (6 трлн сўм), йил якунида 145 трлн сўмга етган бўлсада, жами ажратилган кредитлардаги улуши ўтган йил бошидаги 36 фоиздан жорий йил бошида 31 фоизгача пасайган.

Хорижий валюталарда ажратилган кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши ҳисобот йилида 2 фоиз бандга пасайиб, 45 фоизни ташкил қилди. Мазкур ҳолат халқаро молия бозорида ресурсларнинг нархи ва хорижий валютада ажратилган кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг ошганлиги (2022 йилдаги 69 фоиздан 89 фоизгача) ҳамда тижорат банклари томонидан ички кредит ресурсларини жалб қилиш ортганлиги билан изоҳланади.

¹ Имтиёзли кредитлар сифатида фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси ва ундан паст бўлган миллий валютадаги кредитлар ҳамда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва Ҳукумат кафолати остида ажратилган хорижий валютадаги кредитлар ҳисобга олинган.



2-расм. Банк тизими кредит портфелининг долларлашув даражаси динамикаси(10)

Иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиғи sanoat соҳасида 10,7 фоизга ошиб 140,2 трлн сўмга, қишлоқ хўжалигида 12,3 фоизга ошиб 47,3 трлн сўмга, транспорт ва коммуникация соҳасида 15,7 фоизга ошиб 34,3 трлн сўмга, қурилиш соҳасида 18 фоизга ошиб 12,3 трлн сўмга ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 12,5 фоизга ошиб 32,5 трлн сўмга етган.

Ушбу кредитлар мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишга катта ёрдам беради, лекин уларнинг ўз вақтида қайтиши тижорат банклари фаолияти, унинг барқарор ривожланиши учун яна ҳам аҳамиятлидир. Лекин банкларнинг кредит фаолияти уларга доимо рисклар ҳамроҳ бўлишини тақазо этади. Шу сабабли, тижорат банкларидан рискларни олдини олиш учун берилган барча кредитлар устидан ўз вақтида тегишли мониторинг ўтказиб, кредит рискларни баҳолаб, риск даражасини аниқлаб, таҳлил қилиб, кредит рискларини минималлаштириш чора-тадбирларини кўриш талаб этилади.

Банкнинг кредит инспекторлари томонидан ҳар бир қарздорнинг кредитлаш тарихи, унинг алоқаларини аниқланади, қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб борилади. Кредит шартномасини ишлаб чиқилади ва имзолангандан сўнг кредит берилади. Кредит берилгандан бошлаб у қайтарилгунга қадар банк томонидан кредитлар сифат жихатдан таҳлил қилиб борилади, шу билан бирга кредитларнинг қайтарилмаслик rischi ҳам таҳлил қилинади, барча банкнинг кредит портфели бўйича қарздорнинг кредит мониторингини йўлга қўйиб, бу кредит ёпилмагунча узлуксиз равишда давом этади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики қарздор кредитни қайтара олмаслик rischi ортади, хатто объектив ва субъектив сабабларга кўра кредит қайтмаслиги ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳолларда банк томонидан муддати ўтган ва шубҳали кредитларни қайтариш ва гаровни сотиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширилади.

Тижорат банкнинг кредит riskларини бошқариш жараёнида бир нечта умумий характерловчи босқичларга ажратилади:

банкнинг кредит сиёсатининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш;
маъмурий ечимларни қабул қилиш тизимини ва кредит riskини бошқариш маъмурий таркибини ташкил этиш;

қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;

қарздорнинг кредитлаш тарихини, унинг алоқаларини аниқлаш;

кредит шартномасини ишлаб чиқиш ва имзолаш;

кредитларнинг қайтарилмаслик riskини таҳлил қилиш;

барча ссудалар портфели бўйича қарздорнинг кредит мониторингини йўлга қўйиш ва узлуклаштириш;

муддати ўтган ва шубҳали кредитларни қайтариш ва гаровни сотиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Кредит riskини бошқаришда қуйидаги усуллардан кенг кўламда фойдаланилади:

кредит ва унинг фоизини суғурталаш;

банкнинг мижозларнинг тўловга қобиллигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш;

кредит рискинни баҳолаш тизимини такомиллаштириш;

кредит мониторингини кучайтириш;

кредит рискинни камайтириш мақсадида жорий қилинган иқтисодий нормативларни бажарилишигига риоя қилиш.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида қайд этилган ҳолатлар банкларнинг рискларни бошқариш ва уларни режалаштириш учун доимий ишлар олиб боришга мажбур этади.

Фикримизча, кредит рискиннинг таркибига қуйидаги рискларни киритиш мумкин:

1. Кредитни ўз вақтида қайтармаслик билан боғлиқ рисклар.

Рискнинг бу тури қарз олувчи кредит шартномасининг шартларини бажармаслиги натижасида кредитни ўз вақтида айтмаслигига олиб келади.

2. Ликвидлик рисқи (тўловларнинг муддатида ўтказмаслик).

Бу риск кредитни ва фоизларни муддатида қайтара олмаслик натижасида банк ликвид маблағларининг камайишига олиб келиши билан боғлиқ.

3. Кредитни таъминлаш билан боғлиқ риск.

Бу рисқни алоҳида кўриб бўлмайди, балки бу кредитни қайтармаслик билан боғлиқ бўлган риск билан биргаликда ўрганилади. Бу риск тури кредит учун қўйилган гаровни сотишдан тушган маблағ ажратилган кредитни қоплаш учун етарли эмаслиги билан боғлиқдир. Натижада банк ўз талабини тўла қондира олмайди.

4. Қарз олувчининг ишбилармонлиги билан боғлиқ рисклар.

Бу риск корхонанинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлиб (сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш), аммо бошқа рисклардан фарқли ўлароқ бу рисқка корхона раҳбаридан боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир кўрсатади, масалан тармоқнинг ривожланиши ва конъюктураси. Бу рискнинг

ҳажмини инвестицион дастур ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот тури ва сифати белгилайди.

5. Капиталнинг таркибий қисми билан боғлиқ рисклар.

Бу рисклар пасивларнинг таркибий қисми ва ишбилармонлик rischi билан боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.

2. Банковское дело: учебник. / Г.Н. Белоглазова. - Москва: Финансы и статистика, 2006.

3. Банковское дело. Л.П.Кроливецкой. - СПб.: Питер, 2004

4. Р.Л.Миллер Дэвид Ван-Хуз «Современные деньги и банковское дело»

5. Ш.З.Абдуллаева Банк рисклари ва кредитлаш.Т.: Молия 2002 й. 124б.

6. Холмаматов, Ф. К. (2019). Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И. ф. б. ф. д. дисс. автореф. *И. ф. б. ф. д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф.*–Тошкент.

7. Holmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta'minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 1 (8).

8. Холмаматов, Ф. К. (2024). ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va

rivojlanish omillari. *Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari*, 5(1), 375-382.

9. Холмаматов, Ф. К. (2024). БАНК ТИЗИМИ МОЛИЯВИЙ БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Journal of new century innovations*, 50(3), 56-64.

10. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти